



Бахтнинг бошланиши баҳор билан богликми? Бойлик билан богликми? Буюклик билан богликми? Бошқачами? Балки булар бизларга бахт борасида бир бахонадир. Балки... Барчасини бандаларига бахт Бергувчи билади. Биз бир банда. Бокий, Борий, Бир-у Борнинг бандаларимиз биз. Бу – бизга бахт! Бандалигимиз бахт! Башарлигимиз бахт! Бирок...

Баъзилар бепарводирлар бандалиги борасида, баъзилар балчикдан бунёд бўлганлари борасида бепарволиклари бисёр. Баъзилар бор — басир бўлиб билмайдилар буларни. Бу бандалар бетида басир-у, багрида басирмас. Булар башариятнинг беҳаё бузгунчилари. Бирок...

Барча бандалар бундаймас. Башар боласи бор — бандалигини бутун борлиги билан беҳисоб бахт билади. Башар боласи бор — барча борини боридаям, бўлмаганидаям буларнинг барчасини Буюклар Буюгиданлигини билади. Бандалар бор — багри бежон, бандалиги бажо бўлганда, барзахга боришини билиб багридан беун бакиради: Бокийсан, Буюксан, Бирсан, Бунёдқорсан, Беайбсан! Бўшлиқдан бор бўлдирдинг. Бошимни бўй баробар букаман борлигинг билиб. Бандангман. Берганингча, билдирганингча биламан. Билмаганимни билиб, бузганимни билгувчисан. Бу борлик бахтини, бокийлиги бешак бўлган Баконинг бахтини бергин, Буюк бахт бергувчи! Бандаларинг билан бирдаму биродар бўлай. Билакларимни баландга бўйладим, БЎШАШТИРМА.

Бечора банданг